

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПЕДОГОГИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

“СИРДАРЁ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР”

ҚУДРАТОВ С. – ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ

ГУЛИСТОН – 2014 ЙИЛ

**Сирдарё тарихи – халқимиз тарихининг
узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир.
Шундай экан, бу тарихни чуқур ўрганиш,
билиш, уни холисона ёритиш,
ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш
бизнинг фарзандлик бурчимиз,
келажак авлодлар олдидаги қарзимиздир» И. Каримов.**

Сирдарё – Ўрта Осиёдаги энг узун ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё.
Сирдарё Авестода Дану, қадимги юнон тарихчилари асарларида Яхартес(Яксарт),
баъзан Танаис, 1-асрда асарда яшаган рим тарихчиси Плиний асарларида Силис,
10-асрга оид “Худуд ул-олам”да Хашарт, туркий(руний) ёзувларда Енчуўғиз,
Фирдавсийнинг “Шохнома”сида Гулзарриюн, араб солномаларида Сайхун,
Беруний асарларида Хасарт деб юритилади. Дарёнинг узунлиги 2.272 километр.
Дарё ҳавзасининг майдони – 462.000 км.кв.

Такризчи: О. Бегиев - Сирдарё вилоят педогогик кадрларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

Сирдарёдаги энг қадимги шаҳар.

Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра Сирдарё вилояти Суғдни Чоч билан, Суғдни Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотиқ ва ўтиб кетаётган карвонларни таъмирлаш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган. Археологик тадқиқотлар вилоят ҳудудида аҳоли тош давридаёқ бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Қадимда аҳоли асосан сой ва чашмалар бўйларида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечиришган.

Бироқ Сирдарё тарихини ўрганиш узоқ вақт тарихчиларимиз эътиборидан четда қолиб келди. Бунга маълум маънода Сирдарё қадимда ва ўрта асрларда кимсасиз чўл бўлган ва бу ерлар “шўролар” ҳукмронлиги давридагина ўзлаширилган деган нотўғри тушунчалар ҳам сабаб бўлди.

Вилоят ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига ижодий ёндошиш, Сирдарё вилояти ҳудудида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш масаласида янги фикрларни билдириш имконини бермоқда. Археологик тадқиқотлар вилоят ҳудудида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари Туркистон тоғ тизмаларидан сув олувчи Шўрбулоқсой бўйларида бундан 3-4 минг йил олдин пайдо бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликлар ичида энг қадимгиси Эски-Ховос ёдгорлиги ҳисобланади.

Эски Ховос ёдгорлиги Ховос тумани Ховособод қишлоғида жойлашган. Ёдгорликда ҳаёт мил.ав. IV-III асрдан то 1953 йилларгача давом этган. Шаҳар ҳудуди 10 гектарни ташкил этган бўлса, шундан 2 гектари арк ҳудудига тўғри келган. Сақланиб қолган баландлиги 15 метр.

Эски Ховос Самарқанддан шарққа йўналган йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Ундан бир тармоқ Ховосдан Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, иккинчиси тармоқ қадим Чочга олиб борган. Чоч йўналишда иккита йўл бўлган бири нисбатан узоқроқ лекин хавфсиз йўл - тўғри Сирдарё кечувидан сўнг шимолга, Бенакет(Шохруҳия) шаҳрига ва ундан эса, Харашкентга ва кейин Чоч пойтахти Бинкетга борган. Иккинчи йўл қисқа дарёдан ўтмасдан, унинг чап қирғоғи бўйлаб, ўрта асрларда Хушкет деб номланган ҳозирда Сайхунобод туманининг Нурота ёдгорлигича бориб, сўнгра кечувдан Бенакет(Шохруҳия) га ўтилган. Бу ҳақда IX-X асрда яшаб ўтган араб географлари Хордадбеҳ ва Истахрийлар ёзиб қолдиришган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Эски Ховос ёдгорлиги Фарғона, Чоч ва Суғдда савдо йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарган.

Эски Ховос учун Шўрбулоқсойдан канал қазиб чиқарилган. Ушбу канал 1812 йилгача фаолият кўрсатган.

Эски Ховос ёдгорлиги илк бор чор Россияси даврида тадқиқотчи Н. Ликошин, кейинчалик 20-асрнинг 30-йилларида М. Е. Массон томонидан ўрганилган. Бироқ у пайтда бу ерда аҳоли яшаганлиги сабабли археологик тадқиқотлар олиб бориш имкони бўлмаган.

Ёдгорлик 1988-1989 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти Сирдарё археология отряди томонидан ўрганилган. Ёдгорликнинг ёшени аниқлаш мақсадида олиб борилган қазилмаларни, 10 метр чуқурликдан сув чиқиб кетганлиги сабабли нихоясига етмай тугатишга мажбур бўлинган. 10 метр чуқурликда мил. ав. I асрга оид маданий қатламлар аниқланган.

Худди шу отряд томонидан 2003 -2004 йилларда ёдгорлик худудида мил.ав. III асрга оид бир ярим ғиштдан қўтарилган девор қолдиқлари ва қадимги Фарғонадаги Эйлатан маданияти (мил.ав. VI-III асрлар)га хос, лекин маҳаллий кулоллар томонидан ясалган сопол идишлар топилди

Ўзбекистон Археология институти Сирдарё отряднинг ушбу ёдгорликда 2014 йил олиб борган археологик татқиқотлари натижасида мил.ав. II-I асрга оид Анахита ҳайкалчаси ва XII асрга оид яшил рангда сирланган қора чироқ топилди. Ушбу топилманинг аҳамияти шундаки, унинг балдоғида хумо қуши тасвири туширилган. Ёдгорлик худудида археологик татқиқотлар давом этмоқда.

Эски Ховос тарихи ёзма манбаларда Алесандр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши билан боғлиқ тарихий воқеалар сабабли кенгроқ ёртилган. Маълумки, мил.ав. 329-327 йиллари Ўрта Осиёга юриш қилган Алесандр Македонский Сўғд пойтахти Маракандани бўйсиндиргач, Сирдарё томон юриш қилади. Йўлда у Уструшонанинг тоғли фуқаролари қаршилигига учрайди. Маҳаллий халқ унинг ғалла, озиқ-овқат тўплаш мақсадида ён-атрофга юборган отрядини кириб ташлайди, Алесандрнинг ўзи ҳам бу ерларда умрида биринчи бор яраланади. Алесандр катта қийинчилик билан бу ерларни босиб олгач, эркесвр маҳаллий халқларнинг хужумидан чўчиб, 17 кунда ҳозирги Хўжанд ва Бекобод шаҳарлари оролиғида тахминан Фарҳод ГЭСи ўрнида қалъа қурдиради. Уни Алесандрия Эсхата(Чекка Алесандрия) деб атайди. Шу орада Алесандрнинг шаҳар қуриш ва дарё ортидаги сакларга қарши дарёдан ўтиб, жангга кетганлигидан фойдаланган маҳаллий халқ юнонларга қарши қўзғолон қўтаради. Юнон тарихчи Аррианнинг ёзишича “дарёга қўшни яшаётган “ёввойилар” шаҳарларда турган юнон бўлинмаларини босиб олиб кириб ташлайдилар ва бу шаҳарларни янада мустаҳкамлай бошладилар. Бу қўзғолонда кўпгина сўғдийлар ҳам қатнашадилар” Қўзғолондан хабар топган Алесандр зудлик билан қўзғолонни бостиришга уринади. У ўзининг тажрибали ва содиқ саркардаси Кратерни “ваҳшийларнинг” энг катта шаҳри Киропол(Нижонисой бўйидаги Ховотак(қуёш этаги) маскани ўрнидаги “Нуртепа” ёдгорлиги деб тахмин қилинмоқда)га юборади, ўзи эса қароргоҳ яқинидаги Ғоз(Тожикистоннинг Нов шаҳри ўрнида деб тахмин қилинади) шаҳри томон йўл олади.

Маълумотларда ёзилишича Алесандр маҳаллий аҳолига тегишли бўлган еттита қалъадан 5 тасини у 2 кун ичида нисбатан осонлик билан забт этади. Қолган иккита қалъани ҳийла ишлатиб, лаҳм кавлаб, ер остидан кириб бориб истило қилган.

Кейинчалик ушбу худудлар мил.ав. III асрнинг охирларигача бўлган даврларда салавкийлар давлати таркибида бўлган. Мил.ав. III аср ўрталарида салавк шоҳларидан Антиохнинг лашкарбошиси Демодамант Милетлик бу

ерлардан ўтиб, Яксартнинг нариги қирғоғидаги саклар билан уришган ва ҳозирги Оккўрғон тумани ҳудудида Қанқа(Шохруҳия) шаҳрига асос солган.

Эски Ховос ёдгорлиги аҳолиси мил.ав. III асрнинг охирларидан милодий IV асрларгача бўлган даврда Қанғуй давлати таркибида бўлган.

Ховос сўзининг келиб чиқиши борасида турли ривоятлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, Шаҳристонда(илк ўрта асрларда Уструшонанинг пойтахти бўлган Бунжикат, ҳозирда Тожикистон ҳудудида) шоҳ Қаҳқа бўлиб, унинг Хавасхон исмли қизи бўлиб, у қаттиқ бош оғриғи дардига мубтола бўлган. Кунлардан бир куни шоҳ қизи билан Ховос ерларида ов қилгани келади. Келган кунларининг эртасига шоҳ қизи кучли бош оғриғидан фориғ бўлади ва шоҳ қизининг шарафига қишлоқ номини “Ховос” деб атаган. Қизи учун у Шаҳристондан канал қазиб келишни буюрган. Яна бир ривоятда айтилишича, Амир Темур баҳорда бу ерларда бўлган ва “хавас қилса арзийдиган” жой экан деган. (Шу ўринда “Ховотак” сўзи “Қуёш этаги” деган маънони берар экан балки “Ховос” дегани “қуёшли” деган маънони англатар –С. Қ.)

Вилоятнинг қадимги аҳолиси қандай номлангани ҳақида фанда аниқ маълумотлар йўқ. Юнон муаллифлари кўчманчи саклардан фарқли равишда Сирдарёнинг чап қирғоғида ўтроқ ҳаёт кечирган аҳолини умумлашма ном билан «варварлар» деб этишган. Фақатгина Квинт Курций Руфдагина ўзларининг бош шаҳарлари – Кирополни – македонияликлардан ҳимоя қилган «мемакенларнинг кучли қабиласи» ҳақида сўз кетади. Тарихчи олим И.В. Пьянков фикрича маркази Киропол бўлган бутун воҳа аҳолиси «мемакенлар» деб аталган. Чамаси, мемакенлар вилоятнинг қадимги аҳолиси таркибига кирган қабилалардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик бу бир-бирига яқин бўлган қабилалар вилоятнинг энг қадимги элатини ташкил этган. Археологлар бу элатга тегишли маданиятни Нур-тепа маданияти деб номлашган.

Бу ўзига хос маданият бир томондан қадимги Чочнинг Бурғулук, Фарғонанинг Эйлатан, Қайроққум, Суғднинг Қадимги Суғд маданиятлари таъсирида бўлган бўлса, иккинчи томондан юқоридаги маданиятлар ҳам Нур-тепа маданиятининг айрим кўринишларини ўзларида акс эттиради. Ушбу маданиятга оид Эски Ховос сингари бугунги кунда вилоят ҳудудида ўнга яқин аҳоли манзилгоҳлари аниқланган.

Ушбу маданиятга мансуб аҳоли уй-жойларни тўғри тўртбурчак ва квадрат формадаги хом ғишт ва пахсадан қуришган. Шу билан бирга ярим ертўласимон уйлар ҳам бўлган. Уй ҳайвонлари суяклари, тош ёрғучоқ, кели ва унинг сопларнинг учраши уларда чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланганлигидан далолат беради. Сопол буюмлар чархда ёки қўлда ясалган. Қурол-яроқлар ичида бронзадан ясалган ўқ-ёйлар кенг тарқалган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривож, темирчиликнинг юксалиши, кулолчиликда чархнинг кенг қўлланилиши ва вилоят аҳолисининг қўшни ўлкалар билан савдо-сотик муносабатларининг тараққий этиши вилоят ҳудудидаги қадимги ёдгорликларнинг иқтисодий юксалишга олиб келади. Иқтисодий юксалиш ўз навбатида мил.ав. IV-III асрларда Эски Ховос шаҳарининг пайдо бўлишига шароит яратади.

Ушбу шаҳарда ҳаёт XX аср ўрталаригача давом этади. Жумладан, Эски Ховос ўрта аср манбаларида ҳам тилга олинади. Масалан, XI аср бошларида Ховос Сомонийлар сулоласининг сўнги вакили Мунтасир ва қорохоний илоқи ўртасидаги жанг муносабати билан тилга олинади. Манбаларда ёзилишича, 1003 йил сомонийлар давлатининг амири Абдуиброҳим билан қорохонийлар илоқи Носир ибн Али ўртасида Ховос қалъаси ёнида жанг бўлади. Жангда амир Абдуиброҳим ғолиб чиқади. Ривоятларда Абдуиброҳимни асли ховослик бўлган дейишади. Жангларда енгилмаганлиги сабабли унга ал Мунтасир (арабча Енгилмас)деган ном беришган. Кейинчалик ушбу саркарда Туркманистоннинг Керки шаҳри яқинида ўлдирилган. Керки шаҳрида унга атаб улуғвор макбара қурилган.

Академик В. В. Бартольднинг ёзишича, 1366 йил Амир Темур амир Хусайнга қарши курашда Ҳисор ҳокими Кайхусрав билан яқинлашади, Кайхусрав Тошкентдан 2 минг кишилиқ кўшини билан келиб, Ховосда турган амир Темурга кўшилади. Шундан сўнг Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида ёзилишича, Амир Темур ҳозирги Мирзачўл ерларида амир Хусайннинг сон жиҳатдан устун бўлган кўшинини тор-мор этган.

Ховосда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бўлган. “Бобурнома”да ёзилишича Бобур Шохруҳия ва Ўратепа оралиғидаги Ховос қишлоғидаги жангда Умар шайх Султон Аҳмад Мирзодан мағлуб бўлган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ховосда Абдурахмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валий бўлганлар.

18-асрда Самарқанд ўзаро урушлар натижасида хувуллаб қолганда у ерга ховосликлар ҳам кўчиб боришган ва уерда ўзларининг гузарларини ташкил қилганлар.

Бухоро амири Музаффар чор Россияси кўшинларидан Сирдарё соҳилларида енгилган(1866 йили) ва қочиб, кечқурун Ховос қишлоғида тўхтаб, 200 минг кишилиқ кўшинини маҳаллий аҳолининг уйларига жойлаштирган.

Сирдарё вилояти юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, муҳим географик жойда жойлашган. Шу сабабли Сирдарё вилояти тарихини чуқур ўрганмасдан туриб, у билан чегарадош қадимги Суғд, Фарғона, Чоч тарихини тўлиқ билиб бўлмайди. Зеро, улар бир-бирлари билан Сирдарё орқали боғланган. Юқоридаги ҳудудлар тарихига оид хануз ўз ечимини топмаётган кўплаб муаммоларни бизнинг назаримизда Сирдарё тарихини ўрганиш орқалигина ечиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Халққа хизмат қилиш – олий бахт. //Халқ ишончи – олий маъсулият//. – Т., 2000.
2. Грицина А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т., 1992.
3. Грицина А.А., Иваницкий И. Д., Рахимов К. Раскопки на городище Эски Хавас//Археологические исследования в Узбекистане-2003 г. Вып.4.ташкент,2004
4. Грицина А.А. Городища Эски Хавас по результатам раскопок 1988-1989гг.//Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек,2005

5. Грицина А.А., Абдулгазиева Б., Богомолов Г. И., Рахимов К. Работы Хавасского отряда//Археологические исследования в Узбекистане - 2004-2005гг.Ташкент,2006
6. Грицина А.А. Древний Хавас на перекрестке дорог//Археология ва тарих фанининг долзарб муаммолари. Республика илмий-назарий анжуман материаллари.1-қисм. Самарқанд, 2005
7. История Узбекистана в источниках./ Составитель Б.В.Лунин. – Т.: Фан, 1984.
8. Қудратов С. Сардобалар ўлкаси. – Т., 2001.

Сирдарё кечувидаги шаҳар.

Ўрта Осиёда сомонийлар даврига келиб марказлашган давлатнинг пайдо бўлиши, савдо-сотиқнинг ривожланишига сабаб бўлади. Сомонийлар давлати марказининг ер ости қазилма бойликларига бой Шош (Тошкент) билан савдо алоқалари ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудуди орқали ўтган.

Х аср охири – ХІ асрнинг I-ярмида Уструшонадан Чочга 2 та йўл Сирдарё бўйлаб Ховос орқали Самарқанд – Зомин – Ховос –Бинокат йўналишида фаолият юритган. Бу йўл IX-X асрларда “Эски Бинокат йўли” деб номланган. Ушбу йўлда Ховосдан чиққан карвон Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб бориб, Бинокат (Шохрухия) шаҳри рўпарасидаги кечув орқали Шошга ўтган. Кечув муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли кечувнинг чап қирғоғида Бинокатнинг қарама-қарши томонида ҳозирги Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани Нурота қишлоғида Хушкат шаҳри қад кўтарган.

Ёдгорлик XX аср бошларида археолог олимлар Караваев, Массон ва Нильсен томонидан, XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология Институтининг академик Ю.Ф. Буряков бошчилигидаги Чоч-Илоқ отряди томонидан, 1984 йилда эса шу институтнинг тарих фанлари номзоди А. Грицина бошчилигидаги Сирдарё отряди томонидан ўрганилган.

Шаҳар уч қисмдан Арк (7,5 гектар), шаҳристон (40-45 гектар) ва рабоддан иборат бўлган. Арк ва рабод қисмлари бузиб юборилган фақатгина шаҳристон қисмидан 7,5 гектар жой қабристон бўлганлиги сабабли сақланиб қолган.

Шаҳарда ҳаёт IX аср охирларида бошланган ва XVI асрнинг 1-ярмигача давом этган.

Х-асрга оид маданий қатламлар арк ҳудудида учрайди. Ушбу даврда Хушкет кулоллари Шош учун хос бўлган илк сирланган сопол ишлаб чиқаришни ўзлаштиришган. Бу нарса дастлабки хушкетликлар бу ерга Шошдан аниқроғи дарёнинг нариги қирғоғидаги Бенакетдан килишган бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдиришимизга асос бўлади. “Буюк ипак йўли”да жойлашганлиги, шунингдек, Шошга ўтувчи кечувда жойлашганлиги сабаб шаҳар тез ривожланади. Шаҳар аҳолисининг бир қисми қайиқчилар бўлишган. Хушкет Шошнинг чегарасида жойлашгани

туфайли, бу ерда муҳим божхона бўлган. Қуллар ва кумуш ёмбилардан махсус бож олинган. Қуллар кўчманчилар томонидан олиб келинган бўлса, кумуш ёмбилар Шошдан олиб келинган. Сомонийлар давлатининг тушкунлиги Хушкетга ҳам таъсир қилмай қолмайди. XI-аср бошларида Хушкет қорохонийлар давлати таркибида бўлган. Ёдгорликдан ушбу даврга пишиқ ғиштлар, қорахонийларнинг Шошдаги элоқхони Ал-хан-ал-адил томонидан 1003-1004 йиллари Бинокатда зарб этган мис тангалар ва ушбу даврларга оид турли сопол буюмлар топилган. Ушбу даврга оид сопол буюмлар бугунда ҳам қабр кавлаш жараёнида кўплаб учрайди.

Хушкат 1219 йили Чингизхоннинг лашкарбошилари Оллоқнўён ва Сукэту Чэрби бошчилигидаги 5 минг кишилик кўшин томонидан вайрон этилган. Шаҳар 1391-1392 йиллари Амир Темур томонидан тикланган. Улуғбек даврида Хушкат карвон йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган. 1503 йил шаҳар М. Шайбонийхон томонидан босиб олинади. Шаҳарда ҳаётнинг сўниши “Буюк ипак йўли” нинг ўз фаолиятини тўхтатиши билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грицина А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т., 1992.
2. Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982

“Буюк ипак йўли”даги ёдгорлик.

Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлган, инсоният тарихидаги энг қадимги қитъалараро, немис олими Рихтгофен томонидан “Буюк ипак йўли” деб номланган савдо йўли кишилиқ тарихида муҳим ўрин тутди. Ғарб ва шарқни боғлаган узунлиги 12 минг километрга чўзилган ушбу йўлда олиб борилган савдо муносабатлари орқали халқлар бир-бирларининг ютуқларидан баҳраманд бўлишган ва шу тариқа тезроқ ривожланишган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу йўлда ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудуди ўзининг эгаллаган географик ўрни сабабли муҳим рол ўйнаган. Зеро Римдан чиққан ва Хитой сари отланган ҳар қандай қарвон қадим Бухоро ва Самарқанддан кейин албатта Сирдарё заминидан ўтган. Шу сабабли ҳам ушбу ҳудудда қарвонларга хизмат кўрсатувчи кўплаб иншоотлар қад кўтарган.

Ўрта аср араб географларининг ёзишича, қадимда Мирзачўлни кесиб ўтувчи учта қарвон йўли бўлган. Иккитаси Зоминдан Ховос орқали Сирдарё бўйлаб Шош (Тошкент)га борган бўлса, учинчи қарвон йўли Жиззахдан ҳозирги “бетон” йўли бўйлаб Шошга борган. Учинчи йўл Шошга олиб боровчи энг қисқа йўл бўлган, бироқ чўлни кесиб ўтганлиги боис машаққатли бўлган. Шу сабабли бу йўлда учта сардоба қурилган. Биринчиси Чиноздан 40 км., жанубда, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг “Славянка” манзилгоҳи яқинида бўлган. Ушбу сардоба “Яккасарой” деб номланган. Иккинчиси Яккасаройдан 13 км. жанубда, Оқолтин туманига қарашли Мирзақишлоқ яқинида бўлган. Ушбу сардоба “Мирзасардоба” деб аталиб, унинг яқинида қарвонсарой ҳам бўлган. Ушбу қарвонсарой “Мирзаробод” деб номланган. Учинчи сардоба “Мирзасардоба”дан 30 км. жанубда, Жиззахдан 35 км. шимолда жойлашган, Сардоба тумани Гумбаз қишлоғидаги сардобадир. Ушбу сардоба XIX аср тарихчилари асарларида “Ёғочли (рус олимлари “Ағачли” деб ёзишади) сардобаси” деб юритилади. Яхши сақланган ушбу меъморий иншоот вилоят ҳудудидаги аجدодларимиздан бизга етиб келган энг қадимги обида ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уни ўрганиш биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

“Ёғочли” сардобасининг қачон ва ким томонидан қурилганлиги тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. XIX асрда сардоба атрофида яшаган аҳоли орасида ушбу ёдгорлик Амир Темур буйруғи билан қурилганлиги, унинг қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари (ғишт, алебастр)ни ёнма-ён турган одамлар қўлма-қўл қилишиб, Самарқанддан ташиб келтирганликлари, сардоба ҳовузи эса соҳибқироннинг фармони билан қурилган, Сирдарёдан сув оловчи, Ўринбойариқ ёрдамида тўлдирилганлиги ҳақида ривоятлар юрган.

Лекин бу ривоят, тарихий манбаларнинг хусусан, Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ёзилишича, Бухора хони Абдуллахон II (1534-1598) Тошкентга юриши (1579-1583) даврида 1580 йил 10 апрелда ушбу жойда бўлиб, бу ерда сардоба ва қарвонсарой қуришга фармон беради.

Ёғочли сардобаси гумбазсимон кўринишга эга. У ниҳоятда сифатли ғишдан қурилган. Ђишлар квадрат шаклда бўлиб, уларнинг ҳажмлари: 25x25x5 сантиметр. Гумбазнинг ички диаметри 15 метрни, баландлиги 12 метрни ташкил этади. Сардобанинг ички қисмида полдан 2 метр баландликда ёпиқ, уясимон туйнуқлар жойлашган. Сардоба деворининг қалинлиги пастки қисмида 1,5 метрни ташкил этса, юқорига кўтарилган сари юпқалашиб боради ва энг юқори қисмида унинг қалинлиги бир ғишт кўринишига келади.

Сардобага бир томондан – шимол тарафдан қирилган. Қолган уч тарафида арк кўринишидаги туйнуқлар бўлган. Қириш арксимон бўлиб, ундан ғиштли зинополяр орқали сардоба ичкарисига қирилган. Қириш қисмида ўзига хос коридор мавжуд. XIX аср тарихчиларининг ёзишича, коридорнинг тепасида сардоба хизматчилари ва кўриқчилари учун махсус хона бўлган. Унга сардоба ташқарисида қурилган айланма зинополяр орқали кўтарилган. Ҳозирда ушбу хона мавжуд эмас.

“Ёғочли” сардобаси ёмғир ва қор сувлари билан тўлдирилган. Шу сабабли “Ёғочли” сардобаси сойликда жойлашган, ушбу ҳолат унга теварак-атрофдаги сувларни қабул қилиш имконини берган. Ён-атрофдаги сувлар инсонлар томонидан қазилган ирмоқчалар ёрдамида сардобага қуйилган. Сардобага сувнинг қириши учун махсус ясси тарновлар ўрнатилган бўлиб, улар бир-бирлари билан ҳалқасимон тарнов орқали боғланган.

Сувнинг айниб қолмаслиги учун сардобада учта махсус вентилицион туйнуқлар ўрнатилган. Гумбазнинг юқори қисми ҳам шу мақсадда очик қолдирилган. Шу сабабли ҳам сардоба суви “муз”дек, тоза ва тиник бўлган. Шу ўринда сардоба дегани форсчада, сард- совуқ, об-сув, яъни муздек сув деган маънони англатишини эслатиб ўтиш ўринли. Сардоба йилда бир марта тозаланиб турилган. Ўрта аср тарихчиларининг ёзишича, “Ёғочли” сардобаси яқинида карвонсарой ҳамда чорбоғ бўлган.

Мустақиллик йиллари “Ёғочли” сардобаси таъмирланди. Тошкент-Самарқанд-Бухоро шаҳарларини боғловчи автомагистраль йўл ёқасида жойлашган ушбу ўзига хос ёдгорлик бу йўлдан ўтувчи ажнабий сайёҳлар учун қизиқарли эканлигини ва шу сабабли ушбу ёдгорлик туристик маршрутга қиритилса сайёҳларда Мирзачўлнинг “Буюк ипак йўли” да тутган ўрни тўғрисида маълумот пайдо бўларди. Бунинг учун ёдгорлик атрофида айрим ишларни амалга ошириш зарур. Жумладан, ёдгорлик атрофида сайёҳлар автомашинаси учун ёқилғи қуйиш шахобчаси қурилса, маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган ҳунармандчилик буюмлари: пичоқлар, сопол идишлар, ҳайкалчалар, маҳаллий рассомларнинг асарлари сотувини ташкил этилса, шунингдек сайёҳлар бир муддат ўтириб дам олишлари учун сўрилар ва ёзда яхши чанқоқ босди ичимлик-айрон сотувини ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Массон М. Проблема изучения цистерн-сардоба. Т., 1935
2. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий “Абдуллонома” Т., 2000
3. Қудратов С. Сардобалар ўлкаси, Т., 2001

Шаштепа ёдгорлиги Хўжамишкентсойнинг ўнг соҳилида, Култепа харобаларидан 2 км.жанубда жойлашган. Ўтган асрнинг 70-йилларининг бошларида Хўжанд-Уструшона археологик отряди томонидан ўрганилган(Негматов, Пулатов, Хмельницкий,1973,105-106 бб.). Айлана шаклида, ўлчамлари 90х90м., бадландлиги 23 метр. Ушбу ҳудуддаги энг катта ёдгорлик. Кўшк иншооти бўлиб, у бир вақтда қоровуллик вазифасини ҳам бажарган. У табиий баландликда бўлмай, бевосита дарё ўзанида жойлашган бўлиб, ўта баланд ва унга лойиқ муҳофаа тизимига эга. Уструшона пойтахти Бунжикат шаҳри йўлидаги муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Илк ўрта асрларга оид деб тахмин қилинади.